2011 йил 10 август, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 156 (11.967) | Баҳоси эркин нархда

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА»




**«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган янги китоби нашр этилди. Китобдан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989-1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлар ўрин олган.**

Китоб шаклида илк бор чоп этилаётган бу чиқишларнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланиши албатта бежиз эмас. Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг ўлкамизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида ғолиб чиқиб, Президентлик қасамёдини қабул қилишигача бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.

Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофлича ёритиб берилади.

Маълумки, 1989 йилнинг ўрталарида КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонга нисбатан қатағон сиёсати янги босқичда давом эттирилиб, «пахта иши», «ўзбеклар иши» деб ном олган сиёсий кампаниялар авж олган эди. Коммунистик партиянинг бош нашри бўлган «Правда» газетасининг «Олтин хазинаси устидаги илон» деб ном олган мақоласида, бошқа етакчи марказий нашрларда халқимиз бошига тинимсиз туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилмоқда эди. Собиқ Марказдан юборилган, эл-юртимиз ўртасида «десантчилар» деб ном олган гуруҳлар томонидан қанча-қанча бегуноҳ инсонлар, бутун-бутун оилалар тазйиқ ва таъқибларга учраганини жамоатчилигимиз яхши эслайди.

Ана шундай оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу – истиқлол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади. Агарки бу китобнинг маъно-мазмунини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллиги, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғояларни Ислом Каримов ўша долғали йиллардаёқ, узоқни кўрган ҳолда, ўзига нечоғлик аниқ-равшан тасаввур этгани мазкур тўпламнинг ҳар бир саҳифасидан бамисоли «қизил ип» бўлиб ўтишини таъкидлаш ўринлидир.

Шу давр мобайнида ўлкамизда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманган воқеалари пайтида, тарихда «ГКЧП» деб ном олган, СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ империяпараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий тўнтариш чоғида ва бошқа шу каби ўта кескин вазиятларда Ислом Каримовнинг яккаю ягона тўғри йўлни топа олгани, халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб борганини тасдиқлайдиган тарихий манбалар ҳам ушбу китобда ўз аксини топган.

Мамлакатимизни жар ёқасига олиб келиб қўйган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш, халқ дардига дармон бўлиш, йиллар давомида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида аҳолига уй-жой қуриш учун участка майдонлари ва томорқа ерлари ажратиш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли республика бўйича 700 мингта оилага ер берилгани, муаллиф таъбири билан айтганда, кичикроқ бир давлатнинг аҳолисига тенг бўлган 1,5 миллион янги оила пайдо бўлгани, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, одамларга кредит бериш, ўз хўжалигини юритиш учун уруғлик, чорва моллари ва парранда ажратишга қаратилган улкан ишлар ҳақида маълумот берадиган чиқишлар ҳам шу тўпламдан ўрин олган.

Бугунги кунда дунёда «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлимизнинг асосий принципларининг дастлабки куртаклари сокин кабинетларда эмас, аксинча, ўша йилларда кескин сиёсий курашлар, баҳс ва тортишувлар жараёнида туғилиб, 90-йилларга келиб яхлит таълимотга айлангани ҳақида ушбу китобдаги чиқишлар орқали ҳар томонлама тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Мустақиллик ғоялари кенг қанот ёза бошлаган, халқимиз озодлик ва эркинликка интилган бир пайтда юртимизнинг дадил қадамларини кўролмайдиган ғаразли кучлар собиқ Марказда ҳам, ўзимизда ҳам топилади. Бундай сиёсий ўйин ва фитналарга бир мисол сифатида 1991 йил 17-19 август кунлари – Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасида расмий сафарда бўлган пайтда юз берган воқеаларни келтириш мумкин. Мамлакат раҳбарининг Ўзбекистонда эмаслигидан фойдаланиб, юртимиздаги айрим раҳбарлар ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлайди, шу тариқа ўзининг сиёсий ва маънавий қиёфасини кўрсатади. Фақатгина Юртбошимизнинг мустаҳкам иродаси, оқилона ва вазмин сиёсати туфайли ГКЧП тарафдори бўлган сиёсий авантюристлар ўз қабиҳ ниятига етолмагани ҳам китобдаги чиқишларда ифодасини топган.

Афсуски, бугун вақт ўтиши билан ана шу воқеаларни кўрган-билган, уларга бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Яқин тарихимизнинг машъум бир даврида содир бўлган бу воқеаларни билмасдан, уларнинг моҳиятини чуқур англамасдан туриб эл-юртимизнинг истиқлолга эришиш йўлидаги курашлар тарихини барча мураккабликлари билан тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар, нутқ ва маърузаларнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга экани янада яққол аён бўлади.

Мухтасар айтганда, тўпламга киритилган ҳар бир чиқишни мутолаа қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиқлол моҳиятини, **«тарихий бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши»**ни янада чуқурроқ англаймиз.

Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда беқиёс тарихий аҳамият касб этади.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод истеъдодини юзага чиқариш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ёшлар — келажагимиз

## ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

Барчамизга маълумки, илгарилари ёшларнинг ҳунар ва санъат сирларини ўрганишлари учун пойтахтимизда саноқли ўқувчилар ижодиёт марказлари фаолият юритарди. Истеъдодли ёшларга унчалик эътибор қаратилмаган. Ҳозирги кунга таққослайдиган бўлсак, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда, шу жумладан шаҳримизда ёш иқтидорларни янада камол топтириш учун кўплаб болалар марказлари мавжуд бўлиб, уларда минглаб ўқувчилар ўзлари қизиққан соҳа бўйича тўгаракларга қатнаб, истеъдодларини оширмоқдалар. Халқаро танловларда иштирок этиб, муносиб совринларни қўлга киритмоқдалар.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Баркамол авлод» болалар марказида ҳам бугунги кунда махсус режа асосида иш олиб борилмоқда. Марказда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 1530 нафар ўқувчилар турли тўгаракларга аъзо. Ҳозирда улар орасида халқаро танловлар, кўргазмаларда қатнашиб, катта ютуқларга эришаётганлари ҳам бор.

— Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан ёш истеъдодларнинг ижод қилишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, Ўқувчилар ижодиёт уйлари номи яқинда «Баркамол авлод» болалар маркази деб ўзгартирилди. Мазкур марказда кўпгина тўгараклар моҳияти ўзгариб, янгилари ташкил қилинди. Масалан, Оила ва саломатлик, Ёш пазанда, Либослар дизайни, Гиламдўзлик, Мунчоқли безаш, Моҳир қўллар, «Ёш экскурсовод», Ёш журналист ва нотиқ тўгаралари шулар жумласидан, — дейди ушбу марказ раҳбари Ҳусниддин Исмоилов. — Марказ аъзоларидан Тамила Ҳамдамова ва Мафтуна Бадалова Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган «Ер куррасида тинчлик» мавзусидаги республика бўйича расмлар кўрик-танлови ва кўргазмасида иштирок этиб, «Энг тасаввурчан иштирокчи» номинацияси бўйича ғолиб деб топилдилар. Бугунги кунда марказимизда жами 15 та тўгарак фаолият юритиб, ўқувчиларга малакали мутахассис ўқитувчилар сабоқ беришмоқда. Бу масканда асосан кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлар, тарбияси оғир болаларни тўгаракларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Ҳозир тумандаги 5 та болалар оромгоҳига учта тўгарагимиз устозлари билан бириктирилган. Мақсад, тўгаракларга ўғил-қизларни жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдан иборат. Яқинда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Асфальтга расм чизиш» бўйича танлов ўтказдик. Ёшларни касбга қизиқишларини ошириш учун марказда «Очиқ эшиклар куни» ташкил қилинди. Унда 150 дан ортиқ ўқувчилар ота-оналари билан иштирок этишди. Бундан ташқари турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган.

Мақсад ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш экан, шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир. «Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот бўлишимиз керак». Зеро, ёшлар — мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги, таянчи ва ишончидирлар.

**Дилором ИКРОМОВА**

## ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган «Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Тошкент шаҳри ва Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё вилоятида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида 12 радиочастота бўйича келиб тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Комиссия томонидан теледастурларни тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, комиссия фаолиятига доир бир қатор масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкентдаги Ўзбекистон алоқа тарихи музейида «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари» мавзуида брифинг ўтказилди. Тадбирда телекоммуникация тармоқларини янада юксалтириш ва модернизация қилиш борасидаги қатор истиқболли лойиҳалар мамлакатимизнинг алоқа инфратузилмасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.**

**● Бухоро шаҳрида «Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. «Маҳалла» жамғармаси Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидан вакиллар қатнашди.**

**● Самарқанд шаҳрида «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилаётган анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган иштирокчилар ўзларининг фотосуратлари, дизайн ҳамда тасвирий санъат асарлари билан қатнашишди.**

**● Боғот туманида ҳалқали калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Коротех» корхонаси иш бошлади. Ҳозирда 100 киши меҳнат қилаётган корхонада хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилига 9 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилди.**

**● Бухорода республика Ногиронлар жамияти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Мафтункор ранглар олами» расмлар кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**● Шаҳрихон туманида полиэтилен қувурлар ҳамда пойабзаллар учун тагчармлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «ELEGANT SHOES AND» корхонаси фойдаланишга топширилди. Янги корхона жамоаси буюртмачиларга дастлабки 3,1 тонна полиэтилен қувур ҳамда 11,5 минг жуфт тагчарм етказиб берди.**

**● Бухоро тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида ҳудуддаги 21 корхона ва ташкилот 123 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида 88 нафар фуқаро корхоналар билан меҳнат шартномаларини имзолади.**

### ЖАҲОНДА

**● Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида бир неча кундан буён ўсмир-ёшлар томонидан амалга оширилаётган оммавий тартибсизликлар кечадан бошлаб Бирмингем, Ливерпул ҳамда Бристоль шаҳарларига ҳам тарқалди. Ҳозирда Лондонда мамлакатнинг турли бурчакларидан келган 16 мингдан ортиқ тартиб посбонлари осойишталикни сақлашга жалб этилган. Тартибсизликлар натижасида жами 100 миллион фунт стерлингдан ортиқ зарар етказилгани айтилмоқда. Шу муносабат билан бош вазир Д.Кэмэрон ҳамда мамлакат парламенти таътилдан чақириб олинди.**

**● Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 2,01 долларга пасайиб, бир баррели 79,30 долларни ташкил этди.**

**● Кеча Магаданда бортида 11 нафар киши бўлган АН-12 русумли транспорт самолёти ҳалокатга учради. Самолёт экипажи томонидан катта носозликлар келиб чиққанлиги тўғрисида хабар берилганидан сўнг, ушбу ҳаво кемаси аэропортга келиб қўнмади. Ҳозирда кенг кўламда қидирув ишлари давом этмоқда. Бунга тинимсиз ёғаётган ёмғир ва туман халал бермоқда.**

**● Буюк Британия пойтахтидаги нотинчликлар туфайли гарчи 70 мингдан ортиқ чипта сотилган бўлсада, «Уэмбли» стадионида ўтказилиши белгиланган футбол бўйича Англия ва Голландия терма жамоалари ўртасидаги ўйин қолдирилди.**

**● Австралиялик қутқарувчилар ноёб операцияни амалга оширдилар — бир соатлик саъй-ҳаракатлардан сўнг ўзини қирғоққа ташлаган икки ҳафталик кит боласи қутқарилиб, сувга тушириб юборилди.**

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!







## МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ

### (2006 йил)

Тарих узоқдан яқин кўринади, деган гап бор. Чиндан ҳам, яқин тарихни битиш қийин. Чунки жараён тугамаган – қизғин давом этяпти...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 февралдаги Қарори билан *Мустақиллик обидаси* ва *Бахтиёр она ҳайкали Мустақиллик ва эзгулик монументи* деб номланди.

2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» сифатида тарихга кирди. Бу амалда олдинги йиллардаги ижтимоий йўналишларнинг изчил давоми эди. Ҳомийлик кўпроқ аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашни кўзда тутса, шифокорларга эътибор замирида халқ саломатлигини муҳофаза қилиш мақсади ётади. Барча ҳудудларда кам таъминланган кўпдан-кўп оилаларга ҳомийлар томонидан моддий ёрдамлар берилди.

2006 йил 29 июнда чиқарилган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишда айнан қайси тармоқдаги қонун ҳужжатларига, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлиги белгилаб берилди.

2006 йил ёзининг бир ойи мобайнида бирбирига чамбарчас боғлиқ бир неча воқеани алоҳида айтиб ўтмаслик мумкин эмас.

25 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони чиқди.

7 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори имзоланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг ижрочи органлари – Фан ва технологиялар маркази ҳамда йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши тугатилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил этилди.

Мақсад – илм-фанга оқилона маблағ ажратиш, тадқиқотлар йўналишини ҳаёт эҳтиёжларига яқинлаштириб, энг муҳим, ўта долзарб мавзуларга буриш, фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштиришни такомиллаштиришдан иборат.

Халқ бор экан, Ватан бор экан, Давлат бор экан, бу уч буюк бойлик бирлигига эришиш, шу бирликни асраб-авайлаш, қадрига етиш – шу Халқ вакили, шу Ватан соҳиби, шу Давлат фуқароси бўлган ҳар бир кишининг муқаддас бурчига айланиши лозим.

2006 йил 25 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-451-сон Қарори қабул қилинди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг 2006 йил 16 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида ана шу қарор ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Моҳиятини ўйлаб кўрсангиз, бу – ниҳоятда муҳим ҳужжат. Чунки, Қарорда тўғри қайд этилганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аньана ва урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, эҳтимол, ҳеч қачон бугунгидек долзарб масалага айланмагандир.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз Мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси бу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши фаолияти ва таркибий тузилишини

## ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

қайта кўриб чиқишни тақозо этгани учун шу Қарор қабул қилинди.

Қарор бундан буён тамоман янгича куч-ғайрат, огоҳлик ва аниқ мўлжал асосида ишлашни талаб этяпти. Ҳавойи ва баландпарвоз гапларнинг даври ўтди. Биз ахборотлар кураши асрида яшаяпмиз. Тарғиботчи шуни унутмаслиги керакки, бугун тингловчи содда эмас, унинг бошқа информацион манбалардан маълумотлар олиш ва уларни таҳлил этиш, ҳаётни бевосита кузатиш бўйича жуда катта имконият бор. Демак, бугун маънавий-маърифий, керак бўлса, ғоявий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишида ўта ҳушёрлик, чуқур таҳлил салоҳияти, энг муҳими, катта ахборот базасига эга бўлиш ва уни таъсирчан, содда, ишонарли тарзда, замонавий усул ва услублар, техника ва технологиялар воситасида фуқаро онги ва қалбига етказиш масъулияти талаб қилинади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши амалда икки қанотга эга бўлди. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий-назарий, услубий-методик тавсиялар, дастурлар, ишланмалар, рисолалар, қўлланмалар ва бошқа нашрий босма маҳсулотлар ишлаб чиқади, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи бўйича мониторинг олиб боради. Республика Маънавият тарғибот маркази бевосита амалий тарғибот ишлари билан шуғулланади. Мамлакатда маънавий-маърифий тарғибот тизимини такомиллаштиради, маънавий-маърифий ишларни уюштиради, мувофиқлаштиради, жойларда, ташкилот ва муассасаларда бу борадаги аҳволни ўрганади, уларга ёрдам кўрсатади, шу соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўяди.

Кўриниб турибдики, қарорда вазифалар ўта муайян тарзда белгилаб берилган. Бу эса унинг ижроси учун ишни юксак даражада ташкил этишни талаб қилади.

Ҳозир ахборот асрида яшаяпмиз, ҳар тарафдан турли-турли маълумотлар кириб келяпти. Бу табиий жараён. Лекин дўконларимизда сотилаётган айниқса хориждан келтирилган нашрий маҳсулотлар, аудио-, видеокассеталар, фотосуратлар, ҳар хил дисклар, кинолар, китобларнинг ғояси, мафкураси, мақсади нимадан иборат, улар миллий манфаатларимиз, ғоя ва мақсадларимизга зид эмасми?

Биз демократик жамият қуряпмиз. Виждон эркинлигини таъминлаш – демократиянинг олий талабларидан бири. Бироқ тушуниб етдикки, ҳақиқий дин – бошқа, дин ниқоби остидаги ёт мафкура – бошқа нарса. Дин бахонасида айнан қандай ғаразли, ёт ғоялар кириб келяпти? Буни ўз вақтида ва мукаммал тарзда аниқлаб боряпмизми? Буни изчил таҳлил қилиб бориш, диний ва дунёвий тарғиботни ўзаро уйғунлаштириш зарурати кун сайин ортиб бораётир.

Халқ, Ватан ва Давлатни ҳар куни ҳар лаҳзада кўриқлаш, асраш, муҳофаза қилиш шарт. Бу эса, энг аввало, одамлар, хусусан, ёшлар онг-тафаккури, маънавияти ва қалбида Ўзбекистон, унинг равнақи, тинчлиги, фаровонлиги учун яшаш туйғусини мустаҳкам ўрнатиш орқали кечади.

Президент қарори бундан буён ишни шу асосда тамоман янги савия ва даражада йўлга қўйишни талаб этади.

Шуни айтиш керакки, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ғоя ва мафкура тарғиботини, бир лаҳза бўлсин, сусайтириш мумкин эмас.

27 октябрь куни Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, табрик сўзи билан чиқди. Юртбошимиз Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ЮНЕСКО тарафидан маъқулланганини айтиб, жумладан, шундай деди: *«Қадрли дўстлар, биродарлар, менга буюрса, мана шундай ҳаяжонли дақиқаларда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг юксак ғурур ва ифтихор тўла сўзларини давом эттириб, шундай деган бўлардим: кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бутун Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин».*

Китоб деганининг сеҳри бор. Қўлга олишингиз билан, ҳали варақламасдан туриб, сизда фикр-мулоҳаза уйғотаверади. Айниқса, у маълумотлар хазинаси бўлса, беихтиёр сизни меҳригиёдек ўзига жалб этаверади...

1996 йил 4 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси қомусини нашр этиш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. 1997 йил 20 мартида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори чиқди.

Миллий қомус – халқ тафаккури кўзгуси. Дунёдаги унча-мунча халқ ўз миллий энциклопедиясини яратиш салоҳиятига эга эмас. Кўпжилдлик энциклопедияни чоп этиш учун миллат асрлар мобайнида илмий, маънавий, маданий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, маиший ва ҳоказо соҳалар бўйича эришган муайян билимлар хазинасига эга бўлиши керак.

2006 йил кузида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари ўтказилди.

26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

2006 йил якунлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган: *«Иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари 107,2 фоизни ташкил этгани, харидорбоп маҳсулотларимизни четга сотиш, яъни экспорт миқдори тахминан 30 фоизга, олтин-валюта захираларимиз 33 фоизга, давлат бюджетимизнинг ҳажми 27 фоизга ўсгани, шулар ҳисобидан меҳнаткашларимизнинг реал иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар 36 фоизга кўпайгани, инфляция – нарх-навонинг ўсиш даражаси эса 7 фоиздан ошмагани мамлакатимиз жорий йил мобайнида қандай юксак марраларга эришганининг яққол тасдиғидир»*

Йил йилга уланиб кетаверади. Ҳар гал Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун тантанасида кейинги йилнинг мамлакатимиз учун нима бўлишини белгилаб олинади. Асосий Қонунимизнинг 14 йиллиги тантанасида Президент Ислом Каримов тарафидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди.

**Султонмурод ОЛИМ**

**(Давоми бор)**

---

**Тинчлик ва осойишталик – истиқлол йилларида халқимиз эришган энг улуғ неъматлардан. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, халқимиз фаровонлигининг тобора юксалиб бораётгани, амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.**

## ҲУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИК БАЙРАМ ШУКУҲИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда осойишталикни, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилди. Мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашга йўналтирилгандир. Ушбу соҳанинг барча тузилмалари сифат жиҳатдан бутунлай янгича асосда шакллантирилди.

Юртимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Юксак малака ва замонавий техникага эга давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қилмоқда.

– Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёналарини тинч ва осойишта ўтказиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Алишер Султонов. – Аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилди.

Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Тадбирлар самарадорлигини янада ошириш учун кенг жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Чунки ёнғин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолиятига бевосита дахлдордир. Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, "тилсиз ёв"нинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш имконини бераётир. Жумладан, 2009 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунида ёнғинларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида масъулият юкланган. Уларнинг ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда ўтказилаётган профилактик тадбирларда шу кунга қадар етти миллиондан зиёд фуқаро иштирок этгани бу борадаги ишлар кўламини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, хонадонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши бўйича ўтказилган текширишлар пайтида 13 миллиондан ортиқ одам билан бевосита суҳбат ўтказилди.

Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида 220 мингдан зиёд корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ўтказилган текширишларда аниқланган 700 мингдан зиёд камчилик ва нуқсонлар бартараф этилишига эришилди.

Текширувлар натижалари бўйича ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган қирқ минг нафарга яқин масъул шахс ва фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди. Ёнғин содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган 14 мингдан зиёд корхона, бино ва иншоотларнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. 102 мингдан кўпроқ электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Бу борада олиб борилган ишлар натижасида ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 фоизга, ёнғинларда инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари 33,8 фоизга, ҳалок бўлганлар сони 11,5 фоизга камайди.

Ушбу рақамлар ёнғин хавфсизлигига оид қоидаларга амал қилиш ҳаёт тарзимизга тобора чуқурроқ кириб бораётганини кўрсатади. Бу борада янада ҳушёр ва огоҳ бўлиш нафақат байрамлар шукуҳини, балки кундалик турмушимиз файзу баракасини ҳам оширади. Шу боис ушбу "тилсиз ёв"нинг олдини олиш чораларини кўриш нафақат масъул идораларнинг, балки ҳамманинг, ҳар бир кишининг бурчи, ғазифасидир.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ МАҲСУЛЛАРИ

Концепция: устувор вазифалар

**Юртимиз мустақилликнинг илк кунларидан «ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт йўлидан илдам бормоқда. Бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир.**

Бундай ўзгаришлар натижасини суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнида яққол кўриш мумкин. Миллий қонунчиликнинг янгиланиши билан боғлиқ меъёрларни ҳуқуқий мушоҳада қилиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлаш аҳолининг, айниқса ёшлар ҳуқуқий онгининг тубдан ўзгаришини, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни талаб этади.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳақида қанчалик тугал ва мукаммал назарий фикрлар билдирилмасин, уларни шахс ҳуқуқий онгига сингдириш борасида мунтазам ҳамда тизимли иш олиб борилмаса, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир».

Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг узвийлигини эътироф этган ҳолда уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Хусусан, ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий онгни шакллантиришда ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш, уларни бажариш ва бу меъёрлардан фойдаланишни таъминловчи асосий омил бўлса, ҳуқуқий таълим муайян ҳуқуқ соҳалари бўйича инсон эгаллаши зарур бўлган маълумотлар, билимлар мажмуи бўлиб, ҳуқуқий тасаввур ва ҳуқуқий тушунчалар ҳосил қилиш воситасидир. Яъни ҳуқуқий таълим шахснинг ҳуқуқий борлиқ, ҳуқуқий воқелик, жамиятдаги ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқ меъёрлари ҳақидаги билимлар тизимидир.

Ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унга ҳуқуқий онг, ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий муносабатлар киради. Ҳуқуқий маданият савияси кўп ҳолларда ҳуқуқий онг билан белгиланиб, ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида майдонга чиқар экан, ҳуқуқий онг нисбатан мустақил бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча ҳуқуқий ҳодисаларини акс эттиради.

Аҳолининг ҳуқуқий онги жамиятнинг ҳуқуқий маданият даражасини белгилайди. Ҳуқуқий онгнинг шаклланиши тўғри ташкил этилган таълим ва тарбия бериш тизимига боғлиқ.

Ҳуқуқий онгни шакллантириш мақсадида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий таълим-тарбия жараёни иштирокчилари учун зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш орқали шахснинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш йўналишларида қатор талаблар белгилаб берилди. Ушбу талабларнинг энг асосийларидан бири шахснинг ижодий ва эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш асосида унда ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришдир.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши шахснинг ижтимоий муносабатларда иштирок этиши ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тушуниб олиши жараёнида муҳим ҳисобланади. Шахснинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш оилада одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш билан бирга илк ҳуқуқий тасаввурлар сингдирилиши билан боғлиқ. Ўз навбатида, ҳуқуқий тасаввурлар ҳуқуқий онгнинг шаклланишига олиб келади.

Ҳуқуқий онг – ҳуқуқий воқеликни тўғри тушунишга, ҳуқуқ, қонун, ҳуқуқий тартиб, ҳуқуқий меъёр каби элементлар ҳақида тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Унинг шаклланиши ҳуқуқий билиш, ҳуқуқий таълимнинг назарий ва амалий жиҳатларига суянади ва шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий хулқ-атворига таъсир этади.

Юқори даражадаги ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилган фаолиятни ўрганиш жараёнида асосий эътибор ҳуқуқий билимларни тарқатишга қаратилади. Шахсда фақат қонунга итоаткорликни тарбиялаш ҳуқуқий таълим-тарбиянинг мақсади бўлиб қолмай, балки унинг мазмун- моҳиятини тушуниб, амалда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Шахс ҳуқуқий онгининг шаклланишида субъектларнинг таъсири ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ҳуқуқ соҳасига алоқадор бўлмаган кишилар ҳамда шу соҳа вакиллари — адвокат, судья, прокурор, милиция, адлия ходими ва бошқалар фаолиятида кўринади.

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар, эришилган қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан, таълимнинг сифат самарадорлиги ривожланишини янада жадаллаштириш, бунда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб масала ҳисобланади. Таълим олувчиларнинг билим олиш кўникмаларини шакллантирувчи механизмларни, ўқитишнинг янги шакллари, ноанъанавий услублари орқали таълим-тарбия жараёни тизимини такомиллаштириш ва сифатини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш зарурати мавжуд. Таълимнинг устувор вазифаларидан бири – бу таълим олувчи онгу шуурида миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳаётий кўникмаларни шакллантириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этишига замин ҳозирлашдир.

Ҳуқуқий таълим шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик тамойиллар ва меъёрларни англаб етишга йўналтиради.

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва нуқтаи назарини эркин ифода этишга ўргатмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш деганда, ҳар кимга ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун шароит яратиш, фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиши деб тушунилади.

Мавжуд ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун салоҳиятли, ҳуқуқий саводхон авлодни тарбиялаш, албатта, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади.

Ёшлар бизнинг келажагимиз, уларни болаликдан ҳуқуқий маданиятга, ҳуқуқ ва бурчни «эгизак» деган тамойилга амал қилишга ўргата олсак, дарҳақиқат, биринчи галда жиноятчиликнинг кескин камайишига эришамиз.

Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, жазоларнинг либераллаштирилиши ҳам халқимиз ҳуқуқий маданиятининг маҳсули, демократик жамият пойдевори бўлиб хизмат қилади.

**Одина ЗОКИРОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси профессори, юридик фанлари доктори**

Маҳалла

## АНИҚ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛМОҚДА

**Айни кунларда бутун республикамизда Энг улуғ ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйини ёруғ юз ва эзгу ниятлар, бутун атрофни озодалаб, ободончилик ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириб кутиб олишга катта тайёргарлик ишлари кетмоқда.**

Миробод тумани фахрийларни ижтимоий қўллаб- қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳам мана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда иш олиб бормоқда. Хусусан, тумандаги маҳаллалар, ўқув юртлари ва корхоналарда турли мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ва тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда мана шундай учрашувларнинг бири «Сарикўл», «Янги замон», А.Фитрат ва «Навбаҳор» маҳаллаларида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилди. Туман маҳаллалари оқсоқоллари, хотин- қизлар комиссияси раислари, депутатлар ва фаоллар иштирокида ўтказилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Маттибоев, «Маҳалла» жамғармаси ходими Темур Орипов ва бошқалар сўз олиб мустақиллик йилларида амалга оширилган хайрли ишлар, элу юрт фаровонлиги, аҳоли манфаатлари муҳофазасига қаратилган изчил ислоҳотлар самараси ҳақида фикр юритдилар. Шу билан бирга Президентимизнинг 1998 йилдаги тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштиришга қаратилган Фармони ва унинг мазмун- моҳиятига чуқур етиб бориш лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда тўй ва бошқа маросимларни ихчам ва тартибли ўтказишга аксарият ҳолларда эришиб келинмоқда, лекин наҳорги ошларни ҳали ҳам жуда эрта бериш, ёш, ҳали вояга етмаган, бирон касбни эгаллаб, мустақил уй- рўзғор юмушларини бажаришга тайёр бўлмаган қизларни турмушга чиқариш, ўқишини тугатмаган ёки бирон ҳунарни эгалламай оила аталмиш муқаддас даргоҳнинг остонасини тушунмаган йигитларни эрта уйлантириб қўйиш каби бир қатор масалаларда ҳали муаммолар бор. Ўтказилаётган тадбирларда мана шу масалалар кўтарилмоқда, аҳолига кенг тушунтириш орқали аниқ мисоллар билан керакли тавсиялар, фикр-мулоҳазалар айтилмоқда. «Сарикўл» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хурсаной Авазова ҳам ёшларнинг турмушлари мустаҳкам ва ҳавас қиларли бўлиши учун фарзандларимизни жуда ёшликдан меҳнатга ўргатиш, ота-она бағрида, тинч-осуда ҳаёт кечираётган оилаларда ажрашишнинг бўлмаслиги, болаларнинг етим бўлиб қолишларига йўл қўймаслик ҳақида гапириб, маҳалладошларга фарзанд тарбиясига барчанинг масъул эканлигини тушунтириб ўтди.

Тадбирда пиру бадавлат, табаррук ёшдаги нуроний кексаларнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳақидаги ҳикоялари барчага манзур бўлиб, мароқ билан тингланди.

**Ботир УСМОНОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Миробод тумани бўлими раиси**

# ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

**Ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ҳар соҳада етук мутахассис этиб тайёрлаш ўта долзарб масаладир. Мана шу зарурат туфайли истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасида кўлами кенг ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда.**

Қувонарлиси шундаки, таълим-тарбия борасидаги ўзгаришлар бугунги кунга келиб ўз ижобий самарасини бера бошлади. Таъбир жоиз бўлса, миллатимиз тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган бу жараёнларни эндиликда кенг жамоатчилик ҳақли равишда эътироф этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим соҳасида, ижтимоий ҳаётимизда том маънода бурилиш ясади. Айнан мазкур дастур доирасида мамлакатимиз бўйлаб замонавий талабларга жавоб берадиган минглаб таълим муассасалари бунёд этилди. Эътиборлиси, ушбу жараён чекка-чекка қишлоқларда ҳам давом этди.

Албатта, ҳар бир миллатнинг ютуғи — бу унинг келажаги бўлган маънавиятли ва маърифатли ёшлардир. Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, мамлакат тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Хусусан, ёшларда маънавиятнинг шаклланиши учун кенг кўламли ишларни амалга ошириш зарур. Бунда айниқса фарзандларимизнинг маънавий-маданий меросимизни, аждодларимизнинг тарихини чуқур ўрганишида биз, педагоглар, бор кучимиз ва имкониятларимизни ишга солишимиз керак бўлади. Шу маънода аллома Абу Наср Форобий шундай ёзади: «Таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси — киши яшаб турган жамиятнинг талабларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган ва жамиятни бир бутунликда, тинчлик ва фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган мукаммал инсонни етиштиришдадир».

Ривожланишни мақсад қилган ҳар бир давлат ва жамият аввало маънавий омилни — комил инсонни шакллантириш педагогикасини яратиши лозимдир. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бизда ана шу тарбия воситаси мавжуд. Истиқлол йилларида комил инсон тарбияси борасида маънавиятнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Ҳозирда жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун замонавий янги бинолар қурилди, улар сўнги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланди. Лекин таълим-тарбия соҳасида бунинг ўзи кифоя эмас, албатта. Юксак малакали, фидойи, касбининг маҳоратли усталарини давр талаблари асосида етиштириш, кадрларни замонга монанд қайта тайёрлаш тизимини ҳам аниқ мақсадга йўналтириш зарурати бор. Бу эса аниқ ва яққол равишда ўқитиш тизимида сифат ўзгаришларига хизмат қилади.

Бундан ташқари, дарслар самарадорлигини оширишда янги инновацион усуллардан, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш асносида ёшларни эркин фикрлашга, уларнинг қобилияти, дунёқараши ривожланишига, қизиқишлари ортиб боришига имкониятлар очилади. Ана шу вазифаларнинг негизида ёшларнинг онгига миллий ва умумбашарий қадриятларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур сингдириш керак бўлади. Чунки қадриятлар асосидаги тарбия шахс маънавий фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни якка ҳаёт тажрибасидан ижтимоий фаолликка етаклаб борувчи асосий босқичдир. Шунинг учун бундай тарбия шахснинг ҳаётини ўрганишда ва ижтимоий муносабатида муҳим восита бўлиб, фаоллигини белгиловчи, бошқарувчи ва таққослаб берувчи вазифаларни бажаради. Таълим-тарбия соҳасида маънавий-қадрий тарбия, дарҳақиқат, алоҳида ўрин тутади.

Ёшлар бугунги кун талабига жавоб бера оладиган даражада тарбия топишида оила ва маҳалланинг таъсири ҳам беқиёсдир. Таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия асосан оиладан бошланади. Фарзандлар тарбияси, келажаги, уларнинг бирон-бир касбни эгаллаши, билим олишига оид ҳаётий тушунчалар ана шу муқаддас даргоҳда пайдо бўлади. Баркамол авлоднинг маънавий ҳаётини юксалтиришда маҳалланинг ўрнига тўхталадиган бўлсак, азалдан ўзбек маҳалласи миллий қадриятлар маскани ҳисобланади. Халқимизга хос урф-одатлар ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланади ва ривожланади.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган ўзгаришлар, биринчи навбатда, маънавий ҳаётимизда кўпроқ кўзга ташлана бошлади. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур туйғусини кучайтириш, фарзандларимизда ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари хислатларни шакллантириш маърифий-тарбиявий ишларнинг асосий мақсадидир. Эътиқоди, ахлоқий фазилатлари кучли ёшларга эга давлат мустақил ва барқарор ривожлана олади. Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнининг устувор вазифалар қаторида амалга ошириб келинаётгани шу боисдандир.

Энг асосийси — бу йўлда биз изчиллик билан одимламоқдамиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизга қўйган ҳамма мақсадларимиз, барча саъй-ҳаракатларимиз негизида фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолоти туради. Юртбошимизнинг ушбу мулоҳазаларини ҳар бир педагог қалбига жо қилиб олмоғи керак. Миллатимиз, халқимизнинг эртанги куни бугун мактаб парталарида ўтирган болаларимизнинг қай даражада таълим-тарбия олаётганига боғлиқ эканлигини унутмайлик. Демак, сизу бизнинг вазифамиз етук инсонларни вояга етказиш жараёнига бутун куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишдан иборатдир.

**Маъмура КАЗАКБАЕВА,**
**Тошкент банк коллежи катта ўқитувчиси**



Ёз — ўтмоқда соз

Алоқа

## ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

**Давлат алоқа инспекциясида ўтказилган тадбир семинар-машғулот кўринишида уюштирилди.**

Ҳар бир мавзу бўйича адабиёт ва қўлланмалар тарқатилиб, миллий ғоя тарғиботига доир маълумотлар берилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йилининг мазмун-моҳияти», «Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш» каби мавзуларда ташкил этилган давра суҳбатлари тингловчиларда қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий Кенгаши томонидан тақдим этилган фильм орқали ходимларга соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом оилани қарор топтириш ҳақида тушунчалар баён қилинди. Шунингдек, янги рисолалар бўйича суҳбат уюштирилди.

## ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

**«Электрон таълим» миллий тармоғини яратишга киришилди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тасарруфида амалга оширилаётган бу жараённинг биринчи босқичи ниҳоясига етай деб қолди.**

Яқин келгусида республикамиздаги 80 га яқин олий таълим муассасасини компьютер ахборот тармоғига улаш ҳам кўзда тутилди. Шунингдек, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳам «Электрон таълим» миллий тармоғидан ўрин олади.

Ушбу лойиҳанинг дастлабки босқичи янги ўқув йили бошланиши билан ишга туширилади.

**Акбар АЛИЕВ**

ОДАМ САВДОСИ:

## ТАҲЛИЛ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**«Ўзбекистон» меҳмонхонасида одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари, бу борада олиб борилаётган ишлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Одам савдосига қарши курашиш» Республика Идоралараро комиссияси, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда Божхона қўмитаси, прокуратура, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ ходимлари иштирок этди.

Одам савдоси муаммосининг олдини олиш, унга қарши курашиш, жабрланувчиларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда мукаммал қонунчилик базаси яратилиб, бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилди. Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эса бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Хусусан, қарорга мувофиқ Республика Идоралараро комиссия ташкил этилди. Одам савдосини бартараф қилиш ва олдини олиш, ундан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиздан ташқарида йўқолган шахсларни аниқлаш, ортга қайтариш ва реабилитация қилиш борасида комиссия томонидан амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовордир.

Семинарда комиссиянинг фаолияти, одам савдосининг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Хорижий давлатлар вакиллари билан ўзаро тажриба алмашиш имконини берган тадбирда Россия, Молдова, Беларуссия давлатларидан ташриф буюрган меҳмонлар одам савдосига қарши курашиш йўналишида мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолашди.

— Ушбу глобал муаммога қарши курашишда Божхона қўмитасининг ҳам ўзига хос ўрни бор, — дейди қўмита матбуот хизмати вакили Ҳусан Тангриев. — Айни пайтда барча чегара божхона постларида одам савдосидан огоҳлантиришга қаратилган деворий кўргазмалар, фуқароларга маълумот бериш бўйича «Ишонч телефонлари» ташкил этилган. Одам савдоси билан шуғулланишда гумонланган ва одам савдосидан жабрланган шахслар тўғрисидаги тезкор маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, Давлат божхона қўмитаси томонидан истиқболли авлод ёшлар ахборот-маърифат маркази, Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси аъзолари, кенг жамоатчилик, маҳалла ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида турли учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиш анъанага айланган.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**



**Пойтахтимиз мустақиллик йилларида янада гуллаб-яшнамоқда, йилдан йилга чирой очиб, ҳар жабҳада ривожланмоқда. Дунё андозаларига мос равишда замонавий муҳташам бинолар, кўркам хиёбонлар, кенг ва ёруғ кўчалар барпо қилинмоқда. Бу ўзгаришлар албатта маданият ва истироҳат боғларига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, боғларимиз ўзгача қиёфа касб этди.**

Маданият масканларида

## СЎЛИМ ВА ХУШМАНЗАРА ГЎШАЛАРИМИЗ

Шаҳримиз жамолига кўрк бўлиб турган боғларимиз кенгайиб, замонавий тусга кирди, кенг жамоатчилик ҳаракати билан янги боғлар бунёд этилди. Ҳамшаҳарларимизнинг энг севимли боғи бўлган Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам мустақиллик йилларида янада обод ва кўркам, файзли масканга айланди. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида каттаю кичик ушбу салқин ва хушманзара боғда кўнгилли дам олиб, маданий ҳордиқ чиқаришга ошиқади. Айни кунларда боғ дам олувчилар билан гавжум. Айниқса жажжи болажонлар бу ерда турли хил ўйингоҳларда мазза қилиб учиб, дилдан яйрамоқдалар.

— Истиқлол йилларида боғ фаолиятида кескин ўзгаришлар юз берди, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳамда маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга катта эътибор қаратилди, — дейди биз билан суҳбатда мазкур боғ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов. — Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, боғда ташкил этилган тадбирлар асосан халқимизнинг азалий анъаналари, қадриятларини қадрлаш, истиқлолни улуғлаш билан боғлиқ турли-туман маънавий-маърифий, маданий-тарбиявий соҳаларга, республикамиз раҳбари томонидан эълон қилинган йиллар мазмунига бағишланди. 2003 йил май ойида Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан боғда шоирнинг ҳайкали ўрнатилди ва маданият ва истироҳат боғига унинг номи берилди. Боғнинг ер майдони 22 гектардан иборат бўлиб, иккита кўл мавжуд. Сув ҳавзасининг умумий майдони 7 гектарни ташкил этади. Болалар учун 46 та турли хил аттракционлар ишлаб турибди. Мустақиллигимиз байрами арафасида яна 7 та аттракцион қурилиб, ишга тушди. Шунингдек, боғда «Улуғбек юлдузлари» бадиий ҳаваскорлик жамоаси, «Гулистон» карнай-сурнай дастаси, «Шум бола» қўғирчоқ театри бадиий жамоаси ҳамда 10 та махсус курслар, уюшмалар, спорт тўгараклари ва қизиқувчилар клуби мавжуд. «Соғломлаштириш гуруҳи», фотоҳаваскорлар клуби, «Ишонч» ногиронлар спорт-соғломлаштириш гуруҳи, волейбол, баскетбол секциялари, стол тенниси, шахмат-шашка клуби ҳам доимий фаолият кўрсатади.

Халқ маънавиятини юксалтириш, ёшларни ҳар томонлама камол топтиришда боғда фаолият юритаётган «Маънавият ва маърифат» бўлими томонидан амалга ошириб келинаётган тадбирлар таҳсинга сазовор бўлмоқда. «Маънавият сабоқлари» ўқув курси, «Маънавият гулшани» қизиқувчилар даврасии режа асосида ўтказиб келинмоқда. «Мозий сабоси — қалблар садоси», «Кўҳна Шошкент — гўзал Тошкент», «Аждодлар мероси — олтин мерос», «Хотира муқаддас — қадр савобдир», «Саодат чамани», «Эъзоз даврасии» туркумида соҳа мутахассислари, тарихчи, элшунос, ҳуқуқшунос,сиёсатшунос олимлар билан мулоқот, учрашувлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга «Ҳикмат-ибрат», «Сурнай сеҳри», «Элнинг машҳур ҳофизи», «Шеърият осмонининг юлдузи», «Халқим бахтин куйлайман» сингари юздан ортиқ анжуманлар, фестиваллар, ижодий учрашувлар, адабий-мусиқий кечалар ўтказиш анъанага айланган. Бундан ташқари «Мумтоз наволар гулшани» давраси ташкил қилинган бўлиб, унда элимиз ардоғидаги санъаткорлар, ўзбек бастакорлари ижодини кенг тарғиб этиш, уларнинг баракали бой ижоди, юксак маҳоратидан санъатсевар мухлисларни баҳраманд этишга ҳисса қўшиб келинмоқда.

Айни кунларда боғда Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 400 дан ортиқ яшил арча, 200 дан ортиқ каштан дарахти, 8 мингдан зиёд мавсумий гуллар ўтқазилди. Боғ ҳудудидаги барча дарахтларга шакл берилиб, қуриган шохлардан тозаланди. 2,5 минг погон метр ирригация тармоқлари тозаланди, барча ўйин қурилмалари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қайиқлар ва қутқарув бекатлари, «Жонли бурчак» ва бошқалар жорий таъмирланди. Ҳар шанба ва якшанба кунлари боғда умумжамоа ҳашарлари уюштирилмоқда. Шунингдек, Бунёдкор, Чўпонота, Чилонзор кўчаларидаги боғ ҳудудига туташган майдонлар ҳам тозаланиб, тартибга солинмоқда. Боғ ҳудудида «Маънавият аллеяси» тасвирий ойинаси, «Буюк ва муқаддас, мустақил Ўзбекистонга — 20 йил», «Боғимизнинг мустақиллик йилларидаги фаолияти» мавзуидаги суратли лавҳалар ўрин олган кўргазма ташкил этилди.Шу билан бирга «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!», «Буюк ва муқаддас Ўзбекистон!», «Мустақиллигимиз боқий бўлсин!», «Шу азиз Ватан — барчамизники», «Ватан озодлиги — олий саодат» «Мақсадимиз тинчлик- барқарорлик, ҳамкорлик» сингари ўнлаб лавҳа ва шиорлар билан безатилган боғда байрам шукуҳи яққол сезилмоқда.

Айни кунларда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Мустақиллик тенгдошиман», «Биз истеъдодли ёшлармиз» сингари мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, адабий-мусиқий кечалар, маърифий-маданий тадбирлар, фестиваллар ўтказилмоқда. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида хайрия тадбирлари ташкил қилинмоқда. Бунда аҳолининг имконияти чекланган қатлами, боқувчисини йўқотган, ёлғиз ва кам таъминланган оилалар фарзандларига ўйингоҳларга бепул фойдаланиш учун таклифномалар тарқатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, боғ маъмурияти Истиқлолимизнинг қутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш, ҳамюртларимиз боғда мароқли дам олиб, байрамни шодиёна нишонлаши учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

Танловлар

## ИСТИҚЛОЛНИ МАДҲ ЭТАМИЗ

**Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан шаҳримизнинг барча масканларида турли танловлар, мусобақалар, тадбирлар ва ижодий учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 51-оилавий поликлиникада бўлиб ўтган танлов «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» деб номланди.**

Танлов Юнусобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

– Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги тарихини бирма-бир таҳлил қилар эканмиз, заҳматли ва шарафли йўлларда амалга оширилган ишлар кўз ўнгимизда намоён бўлаверади, — дейди 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова. Биргина тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, шифохоналарни замонавий тиббий-техник ускуналар билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилганлигини кўрамиз. Мустақиллик бизга бебаҳо ва азиз неъматларни инъом этди.



«Истиқлолни мадҳ этаман», «Мустақилликнинг тараққиёт йўли», «Спорт менинг ҳаётим», «Қадриятлар — маънавий бойлигимиз» ва эркин мавзулардаги шартлар бўйича ўтказилган танловда қизлар ўзларининг донолиги, зукколиги, билимдонлиги ва тиббиёт соҳасидаги билим ва маҳоратларини етарлича намойиш этдилар.

Ҳар бир иштирокчи шартларга алоҳида масъулият билан ёндашган ҳолда ўз чиқишларини қизиқарли ва таъсирчан, шу билан бирга реал воқеаларга боғлаган ҳолда кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини улар ўз таърифларида бадиий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришилаётган ютуқларга боғлаган ҳолда тасвирладилар.

Танлов сўнгида ҳакамлар ҳайъати туризм касб-ҳунар коллежи ҳамшираси Диёра Муҳамедовани бир овоздан ғолиб деб топишди. 51-оилавий поликлиника ҳамширалари Нозима Юнусова иккинчи, Нилуфар Абдуллаева учинчи ўринни эгалладилар.

Танлов сўнгида ҳомий ташкилотлар барча иштирокчиларга ўз совғаларини тақдим қилдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: танловдан лавҳа**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

**Ишонч — меҳрнинг онаси.**

**Умр йўлдошининг маҳри эмас, меҳри керак.**

**Оиланинг бахти — меҳрнинг чўнтагида.**

**Ҳаётнинг ҳусни — меҳру муҳаббатда.**

**Ўта меҳрибонлик — бачканаликдир.**

**Юракдан чиқмаган меҳр — юракка бормайди.**

**Меҳр қозониш — қиёфага эмас, қалбга боғлиқ.**

**Муҳаббат одамни малоҳатли қилади.**

**Муҳаббат — сабр-тоқати билан гўзал.**

**Севишиб ҳазиллашса бўлади, аммо севги билан ҳазиллашиб бўлмайди.**

**Ёлғони билан меҳр қозонган севги — қабоҳатдир.**

**Муҳаббатга хиёнат — қотилликдир.**

**Севгининг тилаги — вафо.**

**Севгининг жони — ҳалолликда.**

**Муҳаббат — биллурдек тиниқ, лекин мўрт.**

**Ростгўйлик — севгига қувват.**

**Муҳаббат — фақатгина дил иши эмас, ақлнинг ҳам ишидир.**

**Никоҳ — икки бошга бир тақдир беради.**

**Никоҳ — сўқмоқларни катта йўлга олиб чиқади.**

**Хонадоннинг ободлиги — ўша уйдагиларнинг одобида.**

**Дил чироғи ўчмаса, бахт чироғи ўчмайди.**

**«Бахт уйи»га янглишиб бориш — бахтсизликдир.**

**Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади ва тушунчасига яраша унга эришади.**

**Ишончни оқлаш — одамийликдир.**

**Муҳаббатнинг жони — ишончда.**

**Обрў — элнинг ишончидан туғилади.**

**Ишонмасдан туриб баҳолаш бемаънилик.**

**Қулоқ ва кўз бир-бирига ишонмаса, хулоса чиқарма!**

**Келинчак таъзими — малоҳат гулдастаси.**

**Уялиш — сабрга ундайди, сабр эса андишага.**

**(Давоми бор)**

Спорт янгиликлари

## БИР ҒАЛАБА ВА ДУРАНГ

**Тошкентда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказаётган Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари миллий чемпионатимизнинг биринчи лига вакиллари — «Локомотив» ва «Янгиер» жамоалари билан назорат-ўртоқлик учрашувларида ўзаро куч синашишди.**

Ёшлар ўртасида уюштириладиган Осиё чемпионатига қизғин ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учун ушбу беллашувлар маҳорат мактаби вазифасини ўташи аниқ эди.

Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси билан кечган дастлабки учрашув терма жамоамиз устунлигида ўтди. Темирйўлчилар дарвозаси томон биринчи бўлимнинг ўзида бир нечта хавфли вазиятлар уюштирган ёшлар терма жамоамиз аъзоларига бироз аниқлик етишмади. Хуллас, иккинчи бўлимдагина мутахассислару мухлислар бир-биридан чиройли комбинациялар эвазига киритилган голлар гувоҳига айланишди. Шуниси эътиборлики, Аҳмаджон Мусаев иккинчи бўлимда майдонга Мексика яшил майдонларида тўп сурган маҳоратли ёшлар — Ғанишер Холмуродов, Аббос Махситалиев ва Сардор Раҳмоновларни туширди. Бу ёшлар терма жамоаси ўйинининг янада кучайишини таъминлади ва учрашувда тошкентликлар дарвозаси олти марта аниқ нишонга олинди. Абдумўминов (2 та), Муҳиддинов (пенальти), Искандаров, Юсупов, Машарипов голлар муаллифлари бўлишди.

Янгиернинг «Янгиер» ҳамда ёшлар терма жамоаси ўртасида кечган иккинчи ўртоқлик баҳси муросасиз, шиддатли курашларга бой бўлди ва 3:3 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Ёшлар терма жамоаси аъзолари Махситалиев, Муҳиддинов (пенальти), Эрназаровлар янгиерлик чарм тўп усталари дарвозасини аниқ нишонга ола билишди.

**Мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари иккинчи давра баҳсларини бошлаб юборишди.**

## ИККИНЧИ ДАВРА СТАРТ ОЛДИ

Куни кеча ўтказилган 14-тур беллашувлари пешқадам жамоаларга муҳим очколарни тақдим этди.

Сафарда «Бухоро» жамоаси меҳмони бўлган амалдаги чемпион «Бунёдкор» футболчилари 90 дақиқа мобайнида тўлиқ устунликка эришди ва мезбонлар устидан 4:0 ҳисобида зафар қучди. Солиев, Карпенко, Шораҳмедов, Ҳасанов голлар муаллифи бўлишди.

Биринчи даврада Андижонда «Андижон» жамоасига имкониятни бой бериб қўйган «Пахтакор» командаси аъзолари ўз майдонларида андижонлик чарм тўп усталари билан куч синашиб 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишди ҳамда зарур уч очкога эга бўлишди. Шу куни мухлислар пахтакорчилардан — Андреев, Тожиев, Каримов, Махарадзе, андижонликлардан Касьян (автогол), Целев томонидан киритилган чиройли голларнинг гувоҳи бўлишди.

Турнир жадвалида иккинчи поғонада бораётган «Насаф» жамоаси эса ушбу турда ўз майдонида Самарқанднинг «Динамо» командасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Навбаҳор» — 1:1, «Машъал» — «Металлург» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Шўртан» — 2:3, «Олмалиқ» — «Қизилқум» — 2:1.

Мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 15-тур баҳслари 5, 6 август кунлари бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 август** куни ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича вақти-вақти билан ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-22, кундузи — 33-38 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **11 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
2966 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 841

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.58 1 2 3 5